

А. ҚУРОНБЕКОВ

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН
ФОРС СЎЗЛАШУВ ТИЛИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

А. Қуронбеков

Ҳозирги замон форс сўзлашув тили

Масъул муҳаррир

Филология фанлари доктори, проф. А.М. Маннонов

Тақризчилар

Филология фанлари доктори, проф. Қ.П. Содиқов

Филология фанлари доктори Эргаш Умаров

Тошкент 2016

Аннотация

Бу ўқув қўлланма юқори курсдаги талабаларнинг оғзаки нутқ малакаларини, амалий таржима машқларини бажариш, қуйи босқичларда олган грамматик билимлар ва луғавий бирликларни фаол ўзлаштириш ва турли ижтимоий ва маиший мавзуларда тил эгалари билан бемалол гаплаша олиш кўникмасини ҳосил қилишлари учун мўлжалланган.

Филология йўналишининг 3-4 босқич талабаларининг оғзаки нутқ малакасини ошириш учун мўлжалланган қўлланма

*Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган (2016 йил 20
октябрдаги 2-сон баённомаси)*

КИРИШ

Хорижий тилларни ўзбек талабаларига ўқитишда турли усуллар мавжуд. Бу усуллар тил ўрганувчининг талаб-эҳтиёжларига ва давлат олий таълим муассасаларида вазирлик томонидан тасдиқланган дастурларга боғлиқ. Одатда тил ўрганувчилар хорижий тилларни илмий тадқиқот, педагогик фаолият, таржима ёки савдо-иқтисодий мақсадларда ўрганишади. Белгиланган мақсадга қараб ўқитиш услублари фарқ қилади.

Масалан, илмий мақсадларда тил ўрганувчилар учун қўлёзма ёки босма матнларни ўқиб таржима қила олса бас, уларга оғзаки нутқ малакаларини эгаллаш шарт эмас. Демак ўқиш дастури ва манбалари шунга қараб тузилади.

Тижорий мақсадларда тил ўрганувчилар учун, биринчи навбатда, савдо-сотиқ истилоҳларини ва шунингдек, савдо жараёнида қўлланадиган оғзаки нутқ ибораларини эгаллаш лозим бўлади.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида филология йўналишидаги талабалар учун давлат томонидан тасдиқланган стандартга кўра бу муассасанинг битирувчилари шарқ тиллари ва адабиёти бўйича илмий тадқиқот олиб боришга, педагогик фаолият, таржимон-референт ва бошқа амалий ишларни бажариш малакасига эга бўлишлари назарда тутилган.

Демак бу йўналиш тил ўрганувчилари ҳам теран назарий билимга ҳам юксак амалий билимларни эгаллаб чиқишлари керак.

Шуни назарга олган ҳолда, 1-2 курсларда элементар грамматика билимлари ва уч минг сўз атрофидаги фаол сўз бойлигини орттириш дастурга киритилган. 3-4 курсларда эса жонли мулоқот амалий машқларини бажариш кўзда тутилган.

Қўлингиздаги мазкур қўлланма тил ўрганувчиларнинг турли маиший, ижтимоий-маданий мавзуларда фаол оғзаки нутқ малакасини ошириш ва тахминан уч минг сўз ва ибораларни пухта эгаллаш учун мўлжалланган.

Шу мақсадда ҳар бир дарснинг бошида шу матн ёки икки томонлама суҳбат жараёнида қўлланган сўз ва иборалар луғати белгиланган. Тил ўрганувчи диалогни ўқиш ва машқларни бажаришдан олдин, бу дарсда учрайдиган янги сўз ва ибораларнинг таржимасини ёд олади. Ундан кейин матнни ёки диалогни ўқиб ўрганади ва бу матн асосида тузилган машқларни ўзбекчадан форсчага ва форсчадан ўзбек тилига ўгириб, ўтилган дарсни ва ундаги сўз ва ибораларни фаол ўзлаштиради.

Дарс мавзулари, изчил равишда, тил ўрганувчиларнинг кундалик ҳаёти, ўқиш жараёни ва ижтимоий ва маданий турмушда дуч келадиган муайян ҳаётий ҳолатлардаги муомала одоби ва ўзига хос ибораларни ўрганишга қаратилган. Шунинг учун бир мавзунини тўлиқ ўзлаштирмай туриб, иккинчисига ўтиш тавсия қилинмайди. Чунки мавзуларни ўрганишда изчиллик бузилса, тил ўрганувчининг билим-малакаларида кемтиклик юзага келади.

Тил ўрганувчилар бу қўлланмада берилган матн ва диалогларни тўла ўзлаштирганларидан кейин, ҳозирги замон форс тилидаги энг кўп ишлатиладиган уч мингга яқин сўз ва

ибораларни фаол ўзлаштирадилар ва тил эгалари билан бемалол жонли мулоқот олиб боришлари мумкин ва форс тилидан ўзбек тилига ва аксинча оғзаки таржима кўникмаларини ҳосил қиладилар.

Энг асосийси, тил ўрганувчилар тилнинг нафақат назарий асосларини, балки амалий малакаларини ҳам фаол эгаллаб, давлат стандартларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган хорижий тил бўйича етук мутахассис бўлиб етишадилар.

Бу қўлланмадаги матн ва диалоглар форс тилида эълон қилинган д-р Муҳаммад Зиё Ҳусайнийнинг “Форс тилини чет эллик форс тили ўрганувчиларга ўқитиш усули”, д-р Муаййид Шерозийнинг “Хорижий талабалар учун ҳозирги замон форс тили”, Аббос Яминий Шарифнинг “Эроннинг форсий тили” ва бошқа асл манбалардан олинди. Шунинг учун бу қўлланмаларда ишлатилган сўз ва иборалар ҳозирги замон жонли форс тилининг ўзига хос хусусиятларини мукамал акс эттиради.

Бу қўлланмани тартибга келтириш ва уни компьютерда териш ва нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Эрон-афғон филологияси кафедрасининг ўқитувчиси, шогирдим Кабирова Наргизага чуқур миннатдорлик билдираман.

Бу қўлланма бўйича билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар миннатдорчилик билан қабул қилинади ва кейинги нашрларда инобатга олишга ҳаракат қилинади.

Муаллиф

1 – дарс

Касб танлаш

Луғат

Сартарош – Араيشگر	Ташлаб кетмоқ – ول کردن
Мол доктори – دامپزشک	دوست داشتن –
Кема дарғаси (капитан) – ناخدا	Хоҳламоқ(тиламоқ)
Маъмурий – ادارى	Синоним – مترادف
Бошқарув – مديرىتى	Бошқармоқ – هدايت کردن
Ҳамшира – پرستار	Ишҳақи – حقوق
Антоним – متضاد	Репортер – گزارشگر
Суҳбат – مصاحبه	Дастмоя (капитал) – سرمايه
Ёғоч устаси (дурадгор) – نجارى	Касб – حرفه
Деҳқон – کشاورز	Екас – عكاس

گفتگو

مصاحبه با آقای کریمی در مورد شغلش

- گزارشگر: خب، آقای کریمی در مورد خود تون بگین. چطور شد که کشاورز شدین؟ از اول به این حرفه علاقه داشتین؟
- کریمی: راستش اول می خواستم عکاس شم. چون که کار عکاسی رو خیلی دوست داشتم.
- اما سرمايه کافی نداشتم. بعدش رفتم تو کار نجاری. کار سختی بود و مهارت زیادی می خواست به همین دلیل ولش کردم.
- گزارشگر: بعدش چی کار کردین؟

- کریمی: حدود یه سال بیکار بودم. البته چند تا کار برام پیدا شد. اما حقوقش خیلی کم بود. خلاصه آخرش تصمیم گرفتم برم تو کار کشاورزی. چون که زمین کشاورزیش رو خود مون داشتیم.
- گزارشگر: امیدوارم موفق باشین.

گفتگو

- ۱ گزارشگر: آقای کرمانی، در مورد کار تون بگین. چرا تاجر شدین؟
- کرمانی: من از اول شغلی می خواستم که پردرآمد باشه (باشد). به خاطر همین وارد این کار شدم. خب پدرم تاجر بود. اول پیش پدرم کار کردم. خیلی سریع تجربه های لازم رو به دست آوردم. احساس کردم می توانم تو کار تجارت موفق باشم و پیشرفت کنم. خب به یاری خدا همین طور هم شد.
 - گزارشگر: آقای کرمانی، اگه تاجر نمی شدین، دوست داشتنین چی کاره بشین؟
 - کرمانی: دوست داشتم مهندس یا قاضی می شدم
 - گزارشگر: متشکرم.

۲ مترادف واژه هایی را که زیر آنها خط کشیده شده است، پیدا کنید.

وارده - حرفه - دستمزد - پول ساز

۱ نجاری شغل سختی است.

۲ من کاری را دوست دارم که حقوق آن زیاد باشد.

۳ علی در کارش خیلی ماهر است.

۴ پدر من شغل پُردرآمدی دارد.

۳ متضاد واژه هایی را که زیر آنها خط کشیده شده است، بنویسید.

۱ یک کار نیمه وقت در یک شرکت پیدا کردم.

۲ پزشکی شغل پردرآمدی است.


۳ آقای رضایی، شخص فعالی است.

۴ پدر من در شرکت شغل مهمی دارد.

۴ جمله های سمت راست، کدامیک از شغل های سمت چپ را توصیف می کند.

- | | |
|------------------------------------|---------------|
| ۱ کسی که حیوانات را معالجه می کند. | الف - آرایشگر |
| ۲ کسی که ساختمان می سازد. | ب - دامپزشک |
| ۳ کسی که لباس می دوزد. | پ - بنا |
| ۴ کسی که سر را اصلاح می کند. | ت - مکانیک |
| ۵ کسی که کشتی را هدایت می کند. | ث - خیاط |
| ۶ کسی که اتومبیل تعمیر می کند. | ج - ناخدا |
| ۷ کسی که کفش می دوزد. | چ - کفّاش |

۵ - جای خالی را با واژه های زیر پر کنید.



پرستار	معلم	منشی
سرپرست	مدیر فروش	مدیر
معمار	افسر پلیس	فروشنده

متن های خواندن

آقای نجفی در اداره پست کار می کند. او کارمند است. آقای نجفی ده سال پیش در اداره پست استخدام شد. او ماهی ۱۲۰ هزار تومان حقوق می گیرد. آقای محمدی یک کارگاه نجاری دارد. او بیست سال است که این کار را انجام می دهد و در آمدش هم خوب است. او آدم پر کاری است. آقای رضوی کارمند باز نشسته است. او پنج سال پیش باز نشسته شد و در حال حاضر هم به کاری اشتغال ندارد.

- متن های بالا را بخوانید و به پرسش های زیر پاسخ دهید:

۱- کدامیک شغل دولتی دارد؟

۲- کدامیک شغل آزاد دارد؟

۳- کدامیک فعلاً کار نمی کند؟

- جای خالی را با فعل های زیر پر کنید:

تعمیر کند - استخدام کند - باز نشسته شد - کار می کنند - هدایت کند

۱- کارمندان معمولاً تا ساعت ۲

۲- پدرم دو سال پیش

۳- آن شرکت قرار است ۲۰۰ نفر را

۴- ماشینم خراب بود بنابراین نزد مکانیک رفتم تا آن را

Машқ

Қуйидаги гапларни форс тилига таржима қилинг.

Жаноб Каримий деҳқончилик касбини танлади. У аввал сувратчи бўлмоқчи эди. У сувратга олишни яхши кўрарди. Бу ишга озгина дастмоя маблағи керак эди. Кейин дурадгорликни танлади. Аммо дурадгорлик оғир иш эди. Бу касб катта маҳорат талаб қилганлиги учун уни ташлаб кетди. Бир муддат ишсиз юрди. Иш топилди, аммо маоши кам эди. Қисқаси деҳқончилик касбини танлашга қарор қилди, негаки ўзларининг ери бор эди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3320> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3320> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3320>